

«Ҳажи Акбар» деб нимага айтилади?



11:00 / 30.07.2020 1664

Халқ орасида ҳаж жума кунига тўғри келиб қолса, «ҳажжи акбар» дейилиши машҳур бўлиб кетган. Лекин бу гап ҳадис ва фикҳий китобларнинг бирортасида ҳамда мужтаҳидларнинг сўзларида учрамайди. Ҳадис ва фикҳий китобларда одатий ҳаж «ҳажжи акбар», умра эса «ҳажжи асғар» деб аталган.

???? ????????????????? : ?????????????????

??

??.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«**Ҳажжи акбар наҳр** (қурбонлик) **куни**, **ҳажжи асғар эса умрадир**»
(«Сунани Насоий»).

«**Ҳаж «акбар» билан сифатланди**, чунки **умра кичик ҳаждир**»
(«Мирқотул мафотих»).

«Зухрий, Шаъбий ва Ато раҳматуллоҳи алайҳим:

«**Катта ҳаж ҳаждир, кичик ҳаж умрадир**», дейишган («Роддулмуҳтор»).

????? ??????????????: ?????? ??????? ?????? ??????????
????????? ??????????: «????????? ?????????????? ???????
????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????
????????????? ?????? ?????????????? ?????????? ??? ?????????? ??????????
?????????????».

«Рамлий айтди: «У зот соллаллоҳу таоло алайҳи васаллам шундай дедилар:
«Кунларнинг энг афзали арафа кунидир. Агар арафа жума кунига тўғри келса, жума кунда бўлмаган етмишта ҳаждан афзалдир».
Розийн ривоят қилган («Баҳрур-роиқ»).

«Мўминнинг умр сафари» китобидан